



ОИВ/ОИТСНИ ТАРҚАЛИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ОИВ/ОИТС СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Алматов Дилшод Тулкинович

ИИВ Академияси магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7565196>

ARTICLE INFO

Received: 14th January 2023

Accepted: 23th January 2023

Online: 24th January 2023

KEY WORDS

Одам иммун танқислик вируси (ОИВ), орттирилган орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС), ОИВ/ОИТС соҳасида қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.

ABSTRACT

Мақолада Одам иммун танқислик вируси (ОИВ) ва орттирилган орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллигининг тарқалишига қарши курашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган, ушбу касалликни била туриб юқтириш, юқтириш ҳавфи остида қолдириш, шунингдек қарши курашда ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик масалалари ёритилган.

ОИВ/ОИТСни тарқалишини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари қилиб, энг аввало Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги 2013 йил 23 сентябрь кундаги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси [ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ](https://kun.uz/67059796)¹.

Қайд этилишича, республикада ОИВ инфекцияси тарқалишини олдини олиш борасида ўтган йиллар давомида қатор ишлар амалга оширилди. 25.01.2018 йилда Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3493-сонли қарори, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича ёшлар фаоллигида олиб бориладиган тизимли тарғибот тадбирлари концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва 22.06.2018 йилда “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3800-сонли қарори тасдиқланди².

¹ <https://kun.uz/67059796>

² Ўз.Рес.Президентининг ПҚ-3493 ва ПҚ-3800-сонли қарорлари.



Шунингдек «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, оивга текширувдан шартли ва мажбурий равишда ўтиш асосида оив инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар белгиланган. ОИВни юқтириб олганлар:

- тиббиёт ходимлари томонидан тавсия этилган оив инфекциясини тарқатмасликка доир чора-тадбирларни бажариши;
- соғлом одамлар билан мулоқотда эҳтиёт чораларига риоя этиши;
- жинсий шеригини, шунингдек тери ва шиллиқ қатламларнинг яхлитлигини бузувчи муолажаларда санчиладиган ва кесадиган асбоблардан фойдаланадиган тиббиёт ходимларини ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларини ўз касаллиги тўғрисида хабардор этиши шарт (19-модда).

«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонуни билан қуйидагилар белгиланди:

- қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг ихтиёрийлиги;
- қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг инсон учун безарарлиги;
- донор қони ва унинг таркибий қисмларини ишлатиш хавфсизлиги (4-модда).

Қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг инсон учун безарарлиги қон билан ишлаш хизмати томонидан донор бўлишга розилик билдирган шахсни тиббий кўрикдан ўтказиш, қон ва унинг таркибий қисмларини олишда тиббиёт ходимларининг санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиши, шунингдек қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг даврийлиги ва ҳажмига риоя этилиши орқали таъминланади (6-модда). Донор қони ва унинг таркибий қисмларини ишлатиш хавфсизлигини таъминлаш соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббиёт ходимлари донор қони ва унинг таркибий қисмлари сифати ҳамда хавфсизлигини кафолатловчи белгиланган стандартларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишлари шарт (7-модда). Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш олдидан шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда уларнинг саломатлиги тўғрисида хужжат бериш бепул амалга оширилади (9-модда). «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олиш, шунингдек касб фаолиятига оид касалликларнинг олдини олиш мақсадида мулк шаклидан қатъий назар бир қатор касб ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ходимлари ишга кириш пайтида дастлабки мажбурий тиббий кўрикдан ҳамда кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтиб бориши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига кўра, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади³.

³ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Т. – «Адолат», 2013 й.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига кўра, никоҳланувчи шахслар ОИВ/ОИТСга текширишдан ўтиш учун яшаш жойидаги яширин текшириш хонасига ёки ОИТС марказларига мурожаат қиладилар⁴. Яширин текшириш хонасида тестгача бўлган маслаҳат берилди ҳамда ОИВ/ОИТС касаллиги бўлиши эҳтимолини кўрсатувчи анамнестик маълумотлар ва клиник белгилар мавжуд бўлган тақдирда текширилаётган шахснинг қони туман ёки туманлараро ОИТС ташхис қўйиш лабораториясига юборилади. Никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт. Никоҳни қайд этувчи шахслар тиббий кўриқ натижалари тўғрисидаги ахборотнинг махфийлиги учун жавоб берадилар. Кўриқни ўтказган врач қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриқ натижаларининг ҳолислиги учун шахсан жавоб беради. ФХДЁ органлари ходимлари уларга никоҳни қайд этиш давомида маълум бўлган шифокор сири ҳисобланган маълумотларни ошкор этганликликлари учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. 2011 йил 20 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида чет эл ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни қўллаш тартиби ҳақидаги Йўриқномада Ўзбекистонда ишлашни истаган чет эл фуқаролари ОИВ инфекцияси мавжуд эмаслиги ҳақида сертификатни тақдим этиши шартлиги ва меҳнат шартномаси узайтирилган тақдирда, такроран тақдим этилиши кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 30 мартдаги буйруғи билан Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг ОИВ инфекциясига оид баённомаларини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди, жумладан, даволаш-профилактика муассасаларида беморлар ва тиббий ходимларнинг ихтиёрий маслаҳат олиши ва тестдан ўтиши, ОИВни юқтириб олган шахсларга барча турдаги тиббий хизматларни, хусусан, ташхиснинг махфийлигини сақлаган ҳолда бошқа йўналишдаги тор мутахассислар маслаҳат бериши ташкил этилди. ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикасини таъминлашга 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁵ги қонун муайян ҳисса қўшди. Ушбу қонуннинг 9-моддасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қонунга мувофиқ Ички ишлар органлари ҳамкор ташкилот ва идоралар билан биргаликда ОИВ/ОИТСни тарқалишини олдини олишда қуйидаги профилактик тадбирларини олиб боради:

- фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
- аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш бўйича ишларни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;
- аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувларни ташкил этади;

⁴ Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2003 йил., 15-16-сон, 136-модда

⁵ Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил, 20-сон, 221-модда



-алкоголизмга, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

- ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

- одам савдосидан жабрланганларни белгиланган тартибда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради⁶.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари алкоголизмга, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади; ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги нафақат шахснинг ҳаёти

ёки соғлигидан маҳрум қилган ҳолатлар учун жавобгарлик ўрнатади. Балки шахснинг ҳаётини ёки соғлигини реал хавф остига қўядиган ижтимоий хавфли қилмишлар учун ҳам жавобгарлик белгилайди. Шунинг учун ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида инсон ҳаёти ёки соғлигини хавф остига қўядиган тажовузлардан муҳофаза қилиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири сифатида баҳоланади. Инсон ҳаёти, соғлиги ва унинг дахлсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унинг барча имкониятларини ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш давлат ҳокимияти органларининг диққат марказида турибди.

Ҳаёти ва соғлигига реал хавф туғдирувчи жиноятларини моҳиятини тўғри тушунишда уларнинг объектини, содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳамда жабрланувчининг ўзига хос хусусиятларни кўрсатиб берувчи барча маълумотларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу маълумотлар ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятларни олдини олиш ва тарқалишига қарши курашишда, марказида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ташкил этади.

ОИВ/ОИТС соҳасида қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўйидагилар учун жазо чоралари назарда тутилган:

⁶ Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун Тошкент ш., 2014 йил 14май, ЎРҚ-371-сон



- эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузиш, таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш;
- таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш;
- таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши;
- ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан:

- фуқаролар тенг ҳуқуқлилигини бузганлик;
- таносил касалликлари ёки ОИВ инфекцияси/ОИТСни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида таносил ёки ОИВ касаллиги / ОИТСни тарқатиш жиноятига таъриф берилган. Унга мувофиқ таносил ёки ОИВ касаллиги / ОИТСни тарқатиш била туриб бошқа шахсни таносил касалликларни юқтириш, шунингдек шахсни касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлини оқибатида бошқа шахсга таносил ёки ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш учун жавобгарлик белгилайди.⁷

Жиноят кодексининг 113-моддасида қуйидаги мустақил таркибли қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган, яъни:

- а) била туриб бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остига қолдириш (1қ);
- б) ўзида таносил касаллигини била туриб, бу касаллини бошқа шахсга юқтириш (2 қ);
- в) била туриб, бошқа шахсни таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки ОИВ касаллиги/ОИСТни юқтириш хавфи остида қолдириш (4 қ);
- г) шахсни касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсни ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш; (5 қ).

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунининг 30-моддаси иккинчи қисмига кўра: «Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга шошилиш тиббий ёрдамни кўрсатишлари шарт. Улар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишдан бўйин товлаганликлари учун, фуқароларнинг соғлигига етказилган зарар учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар». Ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ: «Ички ишлар органлари, ёнғиндан сақлаш, авария хизматлари, транспорт ташкилотлари ходимлари, шунингдек бошқа касбкор вакиллари тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар воқеа содир бўлган жойда қонун ҳужжатларига биноан зиммаларига юклатилган бирламчи шошилиш ёрдамни кўрсатишлари шарт», деб белгиланган.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг (ЖК 116-м. 2-к.) объектив томони хусусияти нуқтаи назардан жиний жавобгарлик беморга узрли сабабсиз ёрдам кўрсатилмаган тақдирдагина вужудга келади ва у ҳаракатсизликда ифодаланади (қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам

⁷ Жиноят ҳуқуқи махсус қисм Ш.Т. Икромов 129 бет 2014 й



кўрсатиши шарт бўлган ҳаракатларни бажармайди). Бундай ҳолда айбдор муайян шароитда касални даволаш ёки унинг ҳаёти ёки соғлигига хавф туғдираётган ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган зарурий ёрдам кўрсатмайди (масалан, субъект сунъий нафас бериш ва юрагини массаж қилиш орқалқ ёрдам беришдан воз кечади, зарур бўлган дорини бермайди, қонидан таҳлил учун намуна олиш, уни яқин атрофдаги касалхонага олиб бориш ёки зарур бўлган ёрдамни чақирмайди).

Касалга ёрдам бермасликнинг узрли сабабларини баҳолашда фақат енгиб бўлмас куч ёки зарурий муодофаа билан боғлиқ бўлган шароитлар инобатга олинади. Масалан, тиббий хизмат ходимининг ўзига бошқаларга ёрдам бера олмайдиган даражада жароҳат етказилганлиги, зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналарнинг йўқлиги (бошқача усуллар билан ёрдам бериш мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно) ва бошқалар. Узрли сабаблар ҳақидаги масала уар қандай аниқ шароитларда ишнинг барча фактик ҳолатларини инобатга олган ҳолда ҳал этилади.

Қонун чиқарувчи Жиноят кодекси 116-моддаси иккинчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик шарти сифатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлишини назарда тутган. Шу боис мазкур жиноят узрли сабабларсиз касалга ёрдам кўрсатмаганлик эҳтиётсизлик оқибатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган тақдирдагина, тугалланган ҳисобланади.

Жиноят натижасида одамлар ўлган ёки бошқача оғир оқибатлар рўй берган бўлса, айбдор Жиноят кодекси 116-моддаси тўртинчи қисми билан жавобгарликка тортилади. Одамлар ўлими икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ҳалок бўлишини назарда туттади.

Хулоса қилиб айтганда, энг муҳими ОИТСга чалинаётганлар сони ортиб бораётганини ҳисобга олиб, ҳар бир киши бу масалада жон куйдирмоғи даркор. Бунинг учун улар ОИТС ҳақидаги маълумотларни билишларининг ўзи ҳам катта аҳамиятга эга. Улар касаллик ва вирус ҳақида, касалликнинг яширин белгилари, ривожланиши, даволаш, беморга ёрдам бериш, унга нисбатан психотерапия ишлари, профилактика масалалари ва бошқалардир. Маълумотларга кўра, ОИВ беморларининг аксарияти бошқалар билиб қолиши хавфи мавжудлиги боис, тиббий муолажа олишдан қўрқишади⁸. Бу қўрқув жамиятда касаллик ҳақидаги тушунчаларнинг етарли эмаслиги, маълум стереотиплар шаклланиб-қотиб қолганлиги ҳамда ОИВ ҳақида ахборот танқислиги мавжудлигидан далолатдир. Демак таклифларга тўхталиб ўтсак:

- Ички ишлар органлари ҳамкор ташкилот ва идоралар билан биргаликда олдини олиш борасида аҳолининг ОИВ инфекция юқиши хавфи юқори гуруҳларда, шунингдек, чет давлатга чиқиб кетаётган ва қайтган меҳнат мигрантлари, уларнинг оила аъзолари ҳамда ОИВ инфекция билан касалланган беморларнинг яқинлари орасида тушунтириш ишлари самарасини янада ошириш талаб этилади;

- Оммавий ахборот воситаларида маънавий бой, жисмоний соғлом ва уйғун ёшларни камол топтиришга йўналтирилган ОИТС профилактикаси масалалари бўйича тушунтириш ишларини ташкил этиш;

⁸ <https://xs.uz/uzkr/post/1-dekabr-oitsga-qarshi-kurash-kuni>



- ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси ва уни тарқалишига қарши курашиш масалалари бўйича тажриба алмашиш мақсадида хорижий мамлакатларнинг мутахассислари иштирокида конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- Ўзбекистон халқининг менталитети, маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий қадриятларини ҳисобга оладиган аҳоли ўртасида ОИВ/ОИТС профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. // Электрон манба: <https://constitution.uz/uz/clause/index>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/111453>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2387357>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2240470>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/15395>